

Боқий фикр

Ҳеч бир муболағасиз
айтиш мумкинки,
фанимизнинг бугунги
ноёб ва кўркем биниси
пойдевори неча-неча
асрлар муқаддам барпо
этилган.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 10-mart, shanba № 20 (8461)

Mart — kimyo, biologiya, fizika fanlari oyligi



— Физика фанини ўқитишда ўқувчилар руҳияти ва ўзлаштириш салоҳиятини ҳисобга олиб дарс жараёнини ташкиллаштираман. Айниқса, лаборатория машғулотларини олиб боришда ҳар бир ўқувчининг ижодкорлигини ошириш бўладиган вазиятлар бор. Бунинг учун топшириқни аниқ қўйиб, олиннадиган натижалар моҳияти ва турмуш тарзинининг қайси жабҳасида ишлатилишини машғулот сўнгида сўрашимга ҳар бир ўқувчим одатланган. Шунинг учун лаборатория вазиятларнинг иштирокчилари шунчаки вазифаларни бажаришмайди. Жараёнда ўзларини иختирочидек ҳис этишди. — дейди пойтахтимиздаги 6-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг физика фани ўқитувчиси Моҳидил Юлдошева.

Кимё, биология, физика фанлари ойлиги муносабати билан мазкур мактабнинг барча фан хоналарида қизгин таълимий жараённинг ус-

тидан чиқиш мумкин. Юқори синф ўқувчиларининг «Еш физиклар» жамоасига бириккан ҳолда ижодий кеча ўтказиб, ўзлари иختиро қилган физик қурилмаларини намойиш этганида ҳам бу кичик кашфиётчиларнинг фан сирларидан мукаммал воқиф бўлаётганлигига гувоҳ бўлдик.

Ўқитувчилар Моҳидил Юлдошева ва Дилором Эшмаматова раҳбарлигида Сергели туманидаги физика фани ўқитувчилари учун семинар-тренинг ташкил этилди. Компьютерда виртуал лаборатория, масалалар ечишда ноанъанавий усуллар ва унда вақтнинг тежалиши борасида олиб борилган методик анжуманда йиғилганлар янги маълумотлар ва усуллардан хабардор бўлишди.

Суратда: «Оптик асбоблар» мавзусидаги лаборатория машғулотида лавҳа.

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ЗАМОНДОШ ЁШЛАР ҚИЁФАСИ

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари турли ёшга мансуб замондошлар ўртасида миллий-маданий мерос ва қадриятларга асосланган ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувлик ва бағрикенглик, бир-бирини ҳурмат қилишнинг қадрланиб келинаётганлиги энг муҳим ютуқларимиздан бири бўлмоқда. Бу замондош ёшлар ўртасида ворисийликни таъминлаб бермоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Албатта, биз тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимизга, тараққиёт талабларига тўла жавоб берадиган, йиллар ўтгани сари қадри ортиб борадиган ғоя ва тушунчаларни қадрият деб биламиз».

Хаёт тақозосига кўра ёшлар ижтимоий қатлам сифатида турли авлод вакиллари билан замондош бўладилар. Яъни, бир замонда яшайдилар. Замондош ёшлар — бир замонда яшайётган, лекин турли ёшга мансуб авлод вакиллари бўлиб, ҳаёт ўзгаришларини турли хил идрок этиш, мўлжал ва идеаллари ҳам бир-биридан фарқланса-да, мақсад ва манфаатлари муштарак бўлган ёшлар қатламидир. Уларнинг ҳаётлари, тақдирлари, мақсад ва ис-тиаклари, улар қадрият деб билган ғоя ва

Dolzarb mavzu

тушунчалар, ҳатто характерларида ҳам ўхшашлик, муштараклик жиҳатлари аниқ сезилиб туради. Улар ўзлари яшайётган замонга, замон эса уларнинг мақсад ва майлларига, ҳаётининг идеалларига ўзининг таъсири-ни кўрсатмасдан қолмайди. Бу ўзгаришларга ёшлар қандай муносабатда бўлади, уни қандай қарши олади? Ўзларининг ҳаётининг мўлжалларини қандай белгилайдилар? Ижтимоий ҳаётда қандай иштирок этдилар? Ёшларда бу саволларга аниқ жавоб бўлиши муҳим. Улар яна ўзгариб, янгиланиб бориши табиий. Бу давр ва замон ўзгаришлари билан, яъни ёшларнинг давр ва замон ўзгаришига олиб кирган янгилеклари билан боғлиқ бўлади.

Шу маънода мустақиллик замондош ёшлар ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Давр ва замон ўзгарди. Унинг мазмуни ва характери ҳам янгича бўлди. Мамлакат мустақил бўлиб, халқимиз ўзининг тараққиёт йўлини, тақдирини ўзи белгилайдиган бўлди. Даврга қараш, унга синфий ёндашш ва баҳо бериш ҳам, стратегик мақсадлар ҳам ўзгарди. Ягона

ҳукмрон коммунизм ғояси пуч, асоссиз ва сохта мақсадлар мажмуи эканлиги маълум бўлди. Диққат марказига «давлат, ишчи-деҳқон» манфаатлари эмас, инсон, унинг манфаатлари қўйилди. Ёшларга мамлакатда жамиятнинг ижтимоий қатлами сифатида давлат сиёсати даражасида аҳамият берилмоқда. Улар давр ва замон ўзгаришларини чуқур идрок эта бошладилар. Мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ғоявий-мафкуравий негизлари тубдан ўзгарди. Буни ёшлар дастлаб қандай қабул қилади? Уларнинг бунга тайёрлик даражаси қандай эди? Чунки, мамлакатнинг бозор иқтисоди билан боғлиқ янгича тартиботлар ва қадриятларга асосланиши, уларнинг онги ва тафаккурига, амалда бўлган қарашларнинг тубдан ўзгаришига асос яратди. Уларнинг ижтимоий-маънавий қиёфаси ҳам ўзгариши табиий эҳтиёжга айланди.

БАРКАМОЛ АВЛОД — ПОРЛОК ИСТИҚБОЛИМИЗ ЭҒАЛАРИ

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук, билимдон қилиб вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Жорий йилнинг 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлоднинг тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, олий таълим даргоҳлари ҳаёти билан танишиш жараёнида бу фикрнинг ҳаётининг умуман, Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасида устувор аҳамият берилаётганига шоҳид бўлишди.

Конференциянинг дастлабки кун иштирокчилардан бир гуруҳи бошқа таълим даргоҳлари қатори Олмаоту туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактабига ҳам ташириб буюришди. Меҳмонлар қадимий ва замонавий меъморчиликнинг уйғунлигида бунёд этилган мактаб биноси нафақат қурилиши, балки жиҳозлани-

ши билан ҳам юқори даражада эканлигини эътироф этишди, дарс ва машғулотлар давом этаётган фан хоналарида бўлишди. Биология фани ўқитувчиси Сурайё Шокоси-мовнинг «Уруғланиш» (9-синф), математика фани ўқитувчиси Лобар Йўлчиеванинг «Квадратлар айирмаси формуласи» (7-синф), инфор-

матика ўқитувчиси Дилфуза Одилованинг «Ноанъанавий усулда дастур тузиш» мавзусидаги очиқ дарсларини кузатишди. Мактабда фаолият юритаётган тўғарақлар, хусусан, Гулчехра Усмонова раҳбарлигидаги «Зулфияхоним қизлари» тўғараги фаолияти билан яқиндан танишишди. Кимё, биология фанларини ўқитиш жараёнида ҳам бир ўқувчи мустақил равишда лаборатория машғулотларини бажараётганлиги, ўғил-қизларнинг эркин ва мустақил фикрлай олишлари, дарс жараёнида оддий тингловчи эмас, балки фаол иштирокчи бўлиб таълим олаётганликлари, айниқса, улар эътибори ва эътирофига сазовор бўлди.

(Давоми 3-бетда.)

(Давоми 5-бетда.)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

МЕҲР ВА ХАЙРИХОҲЛИК
Ўқитувчи юфудини
юксакларга ютаради

6-бет

**МУРАККАБ
МАВЗУЛАР**

ноанъанавий усуллардан
фойдаланиш орқали тушунишни

8—9-бетлар

**БАҲОНА ЭМАС,
ИМКОН ҚИДИР**

ёхуд ёлгон гапларни муаммон
бартораяқ этадимиз?

10-бет

**ДАРСДА
САВОЛ ТУГИЛДИ**

демак, талабада мавзуга
қизиқиш бор

11-бет

Мамлакатимизда бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференция юртимизда таълим тизимидаги ислохотлар самараси, ёш авлод камолотига ҳукуматимиз томонидан берилган эътиборга нисбатан халқаро жамоатчилигининг эътирофи бўлди. Ушбу симпозиумни биз ҳам матбуот ва телевидение орқали катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб бордик.

ҚАЛБИМИЗ ҒУРУРГА ТЎЛДИ

Мен юртимизнинг олис Норин туманидаги 31-мактабда ўқувчиларга география фанидан сабоқ берман. Бизнинг мактаб ҳам юқоридаги эътибор ва гам-хўрлик натижасида Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастури асосида капитал таъмирланиб, замонавий кўри-ниш касб этди.

Айнан юқоридаги халқаро форум ташилотчиларидан бири — Осиё тараққий банк кўмагида таълим муассасамиз замонавий компьютер жамланмалари, проектор, сканер ва бошқа жиҳозлар билан таъминланиб, етакчи кластер мактабига айлантирилди.

Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислохотлар самараси ўлароқ яратилган бу каби шароитлар боис олис бир қишлоқ мактаби ҳам шаҳар мактабларидан қолишмайдиган имкониятларга эга. Ушбу халқаро форумни кузата туриб, оддий ўқитувчи сифатида амалга оширишимиз керак бўлган ишлар, вазифалар бисёр эканлигига

амин бўлдим. Давлатимиз томонидан шундай шароитлар яратиб берилган бир паллада биз ўқитувчилар виждонан меҳнат қилиб, ёшларимизга чуқур билим беришимиз кераклигини билдирди.

Анжуман иштирокчилари мактабимизга ташриф буюриб, республикамизнинг чекка ҳудудидagi қишлоқ мактабида ҳам шаҳар мактабларидан каби шароитлар муҳайё этилганлигини ўз кўзлари билан кўришларини жуда изтадим. Пойтахтимизда бўлиб ўтган ушбу халқаро анжуман республикамизнинг барча устоз ва мураббийларига янада куч ва илҳом бағишлади, десам янглишмайман.

Айни кунларда Наманган вилояти халқ таълими муассасаларида Президентимизнинг халқаро симпозиумда сўзлаган нутқи кенг ўрганилмоқда.

Холдорали МАМАДАЛИЕВ,
Норин туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси,
«Шуҳрат» медали соҳиби

ПРЕЗИДЕНТ НУТҚИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Президентимизнинг «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги маърузаси бугун нафақат республикамизда, балки халқаро миқёсда кенг ўрганилмоқда.

Яқинда Наманган вилоят ҳокимлигида Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари депутатлари фаолиятини ташкил этиш масалаларига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сената аъзоси, халқ депутатлари вилоят кенгаши раиси, вилоят ҳокими Баҳо-

дир Юсупов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг халқаро симпозиумда сўзлаган нутқи мазмун-моҳияти, ундан келиб чиқадиган галдаги вазифаларга батафсил тўхтади.

Семинарда «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари ва депутатларнинг роли» мавзусида Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси Пахритдин Маткаримов маъруза қилди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ

Наманган

Tafsiilot



Фаргона тумани 28-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Умида Комилова самарали педагогик фаолияти билан эл хурматида сазовор бўлган аёллардан.

Ўқувчиларга пухта билим беришга интиладиган бу муаллима улардан меҳрини, эътиборини аямайди. Болаларни доимо мустақил фикрлашга, ижодий излашга ундайди.

У.Комилова ишлаётган мактаб Фаргона вилоятидаги таълим-тарбия ишлари самарали йўлга қўйилган илғор ўқув масканларидан саналади. Замонавий педагогик технологияларни амалиётда қўллаш, ўқувчи-ёшларни дарсдан ташқари тўғаракларга фаол жалб қилиш бу борадаги ютуқларда муҳим омили бўлаётди.



Суратларда: Фаргона туманидаги 28-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Умида Комилова 1-синф ўқувчиси Фароғат Валижонов билан.

Муқимжон КОДИРОВ (ЎзА)
олган суратлар

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, кенг жамоатчилик ва аҳолини Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг бориши тўғрисида мунтазам хабардор қилиш мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг, фуқаролик жамияти куришининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Зеро, глобаллашув жараёнида четдан турли ахборот хужумларининг кириб келиши, ҳолис ахборот манбаларининг қамайиш ҳоллари авж олган паллада жамоатчиликини, хусусан халқ таълими тизими ходимларини ҳаққоний ахборот билан таъминлаш, тизимда олиб борилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини тушунтириш, соҳадаги ислохотларга нисбатан тўғри муносабатни шакллантиришда ахборот хизматларининг ўрни беқийсёр.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 203-қарори билан барча вазирлик ва давлат бошқаруви органларида ахборот хизматлари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, Халқ таълими вазирлигида ва барча ҳудудий халқ таълими бошқаруви органларида ушбу қарор асосида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлигининг ахборот хизмати томонидан Навоий шаҳрида ташкил этилган республика ўқув-семинари «Худудий халқ таълими бошқаруви идоралари ахборот хизматлари фаолиятини тақомиллаштириш» мавзусига бағишланди. Қоракалпоғис-

юзасидан жорий қилинаётган янгилликлар, фидойи устоз ва мураббийларнинг илғор тажрибалари вилоят ва марказий оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб келинаётгани ана шундан далолат беради.

Ўқув-семинар иштирокчилари дастлаб бошқарма ахборот хизмати фаолияти билан яқиндан танишди. Бошқарма муассислигидаги нашрлар, мини босмахона ва

замонавий АКТни жорий этиш юзасидан қилинаётган илғор тажрибалар хусусида тўхталиб ўтди.

Бошқармада ижро интизоми тўла электрон шаклда олиб борилади. Барча туманлар билан видео-конференция орқали мулоқот қилиш имконияти мавжуд. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш ва ундан таълим-тарбия жараёнида самарали

Qaror va ijro

Мусаев ахборот хизматининг роли, мақсад ва вазифаларига яна бир бор тўхталиб, халқ таълими бошқаруви органларида ушбу йўналиш фаолиятини худудлар кесимида тахлил қилди. ОАВ билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган худудлар хизмати эътироф этилди, ақинча тизимда амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка етказишда суст-кашликка йўл қўяётган худудлар фаолияти танқид остига олинди.

Шунингдек тадбирда худудий халқ таълими бошқаруви идораларининг интернет тармоғидаги расмий веб-сайтлари фаолияти ҳам тахлил қилindi. Чиндан ҳам давлат ва ҳўжалик органларининг интернет тармоғида ўз веб-сайтига эга бўлиши, унда маълумотларни мунтазам равишда янгиллаб бориши ахборот хизмати ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Ўқув-семинар иштирокчилари вилоятда «Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақалари ўтказиладиган спорт иншоотларига ташриф буюришди.

МУХБИРИМИЗ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ

ҳудудларда қандай фаолият кўрсатмоқда?

тон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоят халқ таълими бошқармаларининг ахборот хизмати масъул ходимлари иштирок этган ўқув-семинар учун айнан Навоий вилояти бежиз танлангани йўқ. Республикамизнинг энг ёш вилояти ҳисобланган ҳудудда ахборот хизмати фаолияти учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган учун ўзига хос тажриба мактаби вужудга келди. Вилоят халқ таълими муассасаларида ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, соҳани яхшилаш

унда яратилган шарт-шароитлар семинар иштирокчилари томонидан бирдек эътироф этилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Меҳринисо Пардаева ўз сўзида халқ таълими тизимида том маънода кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганини эътироф этар экан, соҳадаги ўзгаришларни жамоатчиликка етказишда ахборот хизматлари катта роль ўйнаётганини таъкидлади.

Бошқарма мутахассиси Мадина Атаниязова тизимга

фойдаланиш жараёни вилоят тажрибаси мисолида муҳожама этилди.

Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси муассислигида чоп этилаётган нашрлар — «Қалб кўёши» журнали, «Истиқбол гўнчалари» ва «Зиёкор садоси» газеталари фаолияти ҳақида бош муҳаррирлар маълумот бериб ўтишди. Мазкур нашрлар вилоят педагоглари ва ўқувчилари орасида ўз ўрнига эга бўлиб, оммавий минбарга айланиб улгурган.

Халқ таълими вазирлиги масъул ходими Жаҳонгир

МУСИҚА ТИНГЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

Шарқ мутафаккирларидан бири Форобий қомусий олим сифатида мустиқа ҳақида кўп ибратли фикрларни айтган. Жумладан, аллома «Мустиқа ҳақида сўз» асаридида мустиқанинг тарбиявий жиҳатлариға алоҳида тўхталади. У мустиқани инсонда юксак ахлоқ намуналарини шакллантирувчи, унда эстетик дид ва ғўзаллик туйғуларини уйғотувчи ва ҳатто инсон сифат-саломатлигиға ҳам ижобий таъсир кўрсатувчи восита, деб таърифлайди. Журналист Хуршид Далиевнинг «Оҳангдаги яширин мақсад» мақоласидида ҳам мустиқанинг инсон руҳиятиға таъсир этувчи омиллари, мустиқа тинглаш жараёнида миё тўқималаридиғи ҳар қандай негатив ҳолатларнинг олди олиниши, киши ҳақиқий мустиқий асарни тинглаётган пайтда миё фаолияти организмдаги айрим салбий жараёнларини тўхтатиб, ҳаётта нисбатан оптимистик кайфият уйғотиши ҳақида сўз боради.

Ғарб мамлакатларида урф бўлиб кетган реп мустиқаси мавжуд. Мутахассисларнинг фикрича, реп юқорида таъкидлаганимиздан, фарқли ўлароқ инсон танасида асабийлик пайдо қилиб, унинг жаза-

васини кўзғатади. Миёда хотираларни ўчириб ташлаши мумкин бўлган гармонлар ҳосил бўлишиға сабаб бўлади. Маълум бўлишича, репнинг биринчи ижрочиси Шимолый Америкада яшаган, асли келиб қиши африқалик Тупак бўлиб, у кўча кўшиқчиси бўлган. Реп сўнги йилларда жуда оммалашиб бормоқда. Бугун реперлар деб номланувчи алоҳида кўшиқчилар тоифаси ҳам шаклланди. Қутилмаган жиҳати шундаки, репга катталардан кўра кўпроқ энди онги шаклланаётган болаларда, балоғатта етаётган ёшларда мойиллик кучли. Европа олимларининг сўнги тадқиқотлари шунни кўрсатадики, тарбияси оғир ёшларнинг деярли барчаси репга қизиқувчилар тоифасиға киришар экан. Бу тоифанинг алоҳида белги-

лари шундаки, уларда воқеа-ҳодиса моҳиятиға юзаки қараш, енгилелли ҳаётта интилиш кучли бўлади. Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказилаётган ижодий кўриктанловлар, фестиваллар, концертлар кўплаб истеъдодли хонандаларни кашф этиш, уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш, мукамал мустиқий асарларни муҳлислар эътибориға ҳавола этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан ёш ижрочиларнинг профессионал маҳоратини ошириш, уларнинг самарали ижод қилиши, истеъдодини тўлиқ намойён этиши учун зарур шароитларни яратиш, бастакор, шоир ва хонандалар ҳамкорлигини ри-

вожлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалға оширилмоқда. Таниқли бастакорлар, созанда-лар, хонандалар иштирокида ўтказилаётган кўплаб маҳорат сабоқлари, ўқув-семинарлари истеъдодли ёшларнинг малака ва ижодий кўникмаларини янада оширмоқда. Шу билан бирға, мавжуд шароитлардан унумли фойдаланиш ўрниға миллий қадриятларимизға, мустиқа санъатининг талаб ва меъёрларига зид, замунан сазё кўшиқлар яратаётган, клипплар тайёрлаётган, ҳаётий мезонларимизға мос келмайдиган либосларда саҳнаға чиқаётган айрим ёш ижрочилар борлиги таассуфлидир. Бу ёшларнинг диди, дунёқарашини, руҳини ва тафаккуриға салбий таъсир ўтказеди. Президентимиз таъкидлаганидек, «...агар инсоннинг қўли енгил-елли, тумтароқ оҳанларға ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мустиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий олами-ни сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас.»

Шаҳноза МУҲАММАДИЕВА,
ЎзДЖТУ халқроқ журналистика
факультети 2-босқич талабаси



«Ma'rifat» Mahorat Maktabi

Mulohaza

Қиз бола оиланинг шаъни, ор-номуси ҳисобланади. Ўша ор-номусини ёмон кўзлардан асраб-авайлаш борасида акаларнинг ўрни беқийёс, десак муболага эмас. Дугоналаримиз орасида базми, ҳар хил кўнгилоҷар томошалар, тўғилган кўнларға бориш ҳақида гап кетса, баъзилари нолиб қўйишади:

— Афсуски, бора олмайман, ота-онанин рўқсат берса ҳам, акаларим кўнмайди ёки шу вақтда уйда бўласан, деб вақт белгилаб қўядилар.

— Кеча акам синфдошим билан кўчада турганимни кўриб қолганди, улардан эшитмаган гапим қўлмади.

ҲИМОЯЧИ АКАЛАР

Очиғи, бу сўзларни тинглай туриб, уларға жуда ҳавасим келади. Чунки киши дилиға озор бермайдиган, меъёрдағи чекловлар ҳам қиз бола тарбиясида жуда муҳим-да. Қанийди, менинг ҳам улардек акам бўлса, дейман. Жигарининг сенға ҳар жойда қалқон бўлиши, сен тўғрингда қайғуриши, жоиз бўлса, кўнглингни кўтариши, ҳимоя қилиши қанчалик бахт.

Ака сингилсини кўриш учун бугдойзор оралаб борса ҳам гуноҳ эмас, деган ривоят бор. Эт билан тирноқни айириб бўлмаганидек, улар орасидағи меҳр-муҳаббат, аҳиллик қанчалик барқарор бўлса, турмуш чорраҳаларида шунчалик бардам сезадилар ўзларини. Илоҳим, ўшандай ғурурли, сингилларини, оналарини кўзмунчоқдек асрайдиган, ҳимоячи акалар бахтимизға соғ-омон бўлсинлар!

Дурдона МУХТОРОВА,
талаба

Fikr

ЎЗИМГА СЎЗ БЕРДИМ

Уйимизда сув жўмрағи бузилган. Сувнинг шунчаки оқиб, исроф бўлаётганини кўриб «Жўмрақни четға суриб қўй», — дейман сингилларимға. Ота-онанин эса «Қачон уста олиб келасиз?», — деб ҳоли-жонига қўймайман. «Шошмай тур, олиб келамиз, устанинг вақти йўқ экан», — дея тинклантиради оийм. Уйдағи ташвишларни унутиб ўқишға келсам, бу ерда ҳам худди шу аҳвол.

Бундай ҳолатлардан кайфиятим бузилиб, сув ҳақидағи статистик маълумотларни қидирдим. Статистика эса айни пайтда дунёнинг камида 1 миллиард аҳолиси тоза ичимлик суви ичиш имкониётиға эға эмаслигини таъ-

кидламоқда. 1990 йилда бери тоза ичимлик сувини истеъмол қилувчилар сони 1,6 миллиард кишидан ошган бўлса-да, лекин бу неъматта ташналар сони ҳали-ҳануз юқори. Ер юзи аҳолисининг 40 фоизи сув танқис бўлган худудларда яшайди. Бу борадағи муаммоларға энг кўп Африқа китбасидағи одамлар дуч келмоқда. Бироқ бу — муаммо бизнинг мамлакатимизнинг четлаб ўтади, дегани эмас.

Бунинг олдини олиш учун Ер юзида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда? Масалан, Сингапурда ичимлик сувини тежаб ишлатганларға муқофот беришар экан. У ерда каналлизация сувини нано-

технологиялар ёрдамида тозаллаб, ичимлик сувиға айлантиришади. Лекин ўзимизға керакли ишни қилишимиз учун бизға муқофот берилиши шартми?

Ҳар кўни телевизорда сувни тежаб ҳақидағи рекламаларни кўрамиз. Буларнинг қай даражада фойдаэтегайти, билмадим, аммо менға ўшанганларни эътиборлироқ бўлишға мажбур қилаётгани аниқ.

Уйға келсам, жўмрақни тузатишибди. Хурсанд бўлиб кетдим. Энди сувни доим эъоззлайман, бир томчисини ҳам исроф қилмайман деб, ўз-ўзимға сўз бердим.

Соҳиба
МАМАДИЕВА

Талабаман. Деярли ҳар бир дарс сўнгида одатдағидай устозимнинг муурожаати янғрайди: «Кимда қандай савол бор?», «Мавзуни тушунмаган жойингиз бўлса, сўранг». Бошқа ўқув юрларида қандай билмадим, бизда деярли саволлар бўлмайди (1-2та

рар, аммо шундай соҳалар борки, уларда ўқитувчи айтаётган ҳар бир ибора, ҳар бир қоида муҳим аҳамиятға эға. Шу сабаб талабада савол туғилиши ва унга, албатта, жавоб олиниши лозим.

Азиза Абдуллаева,
Тошкент тиббиёт академияси талабаси:

ДАРСДА САВОЛ ТУҒИЛДИ

демак, талабада мавзуға қизиқиш бор

ҳолатни мустасно қилганда, албатта). Икки ҳолда: талабалар ҳаммасини тушунган ёки ҳеч нарсани тушунмаган ҳолда савол туғилади, дейишади. Ушбу фикрларнинг қай бири тўғри? Бу борада тенгдош талабаларимизнинг фикри қандай?

Умида Раҳмонова,
Зулфия номидида Давлат муқофоти соҳибаси, талаба:

— Дарс давомида талабаларда савол туғилиши табиий. Аммо ўқитувчиларимиз барча саволларни дарс охирида беринг, дейишади. Жуфтлиқ ниҳоясига етгунча саволлар ё эсингиздан чиқади, ё жавобни ўзиниғиз чамалаб оласиз.

Элёр Мирзаев, талаба:

— Дарс вақтида талабаларға бир разм солиб кўринг. Баъзилари берафқ, эътиборсиз ўтиришади. Дикқатси умуман дарсда эмас. Савол туғилиши учун ўқитувчиға, у айтаётган гапларға қулоқ солиш, ўйлаш, фикрлаш, мулоҳаза юри-

риш керак. Ижтимоий фанларда тахмин, фаразлар ёрдам беради. Мақсадли ва расмий дарс ўтиш усуллари бор. Биринчисида, ўқитувчи ўз олдиға маълум режа қўйиб, шу асосда дарс ўтади. Агар у мақсадини тўлиқ амалға ошира олган, керакли барча ахборотни талабаларға бера олган бўлса, талабаларда савол бўлмаслиги мумкин. Баъзан мавзуни тушунтириш қўзилиб кетди ва савол-жавобға вақт қўлмайди. Ўқитувчи

зуга қизиқиш борлигини дарак беради. Мақсадли ва расмий дарс ўтиш усуллари бор. Биринчисида, ўқитувчи ўз олдиға маълум режа қўйиб, шу асосда дарс ўтади. Агар у мақсадини тўлиқ амалға ошира олган, керакли барча ахборотни талабаларға бера олган бўлса, талабаларда савол бўлмаслиги мумкин. Баъзан мавзуни тушунтириш қўзилиб кетди ва савол-жавобға вақт қўлмайди. Ўқитувчи

Кўп йиллардан буён тренинг машғулотларини олиб бораётган таърибали тренер Наргис Қосимованинг айтишича, тингловчилар лоқайдлиғи, мавзуни тўла англаб етмаслиги саволларнинг туғилмаслиғиға сабаб бўлади. Назира Тошпўлатова, ЎзДЖТУ доценти: — Савол бўлиши мав-

Шоҳсанам НИЁЗОВА

Машхур олимлар ҳаёти ва ижоди ўқувчи-талабалар учун ибрат вази фасини ўташи тайин. Шу маънода академик лицей ва касбухунар коллежларида дарсдан ташқари математика тўғр ақларида машхурлар ҳаёти ҳам таништириб борилади. Бу ўқувчи-ўшларимизнинг математика тарихига оид билимларни эгаллашларида ўзига хос восита вази фасини ўтади. Куйида яна бир математик Николай Лобачевскийнинг ушбу фан оламига кириб келиши, изланувчанлик фаолиятига тўхталиб ўтамиз.

Николай Иванович Лобачевский 1792 йилнинг 1 декабрида Нижний Новгород шахрида дунёга келди. У етти ёшлигида отасидан жудо бўлди ва онаси Прасковья Ивановна ва уч нафар укаси билан Қозонга кўчиб кетди. Бу ерда у укаларини гимназияга киритиш учун тайёрлай бошлади. 1802 йили Николая ва унинг укалари гимназияга давлат қарамогид а қабул қилинди. Гимназияда Николайнинг математика ва қадимги тиллар бўйича ютуқлари кишини хайратда қолдирар эди. 14 ёшида у университетга киришга тайёрлиги боис 1807 йили Қозон университетига қабул қилинди.

либ чиқадиган натижаларга таяниб исботлаб бўлмаслигини аниқлади. Бундан ташқари, у агар бешинчи постулат бошқа, Евклидникига эквивалент бўлмаган постулат билан алмаштирилса янги геометрия ҳосил бўлишини кўрсатиб берди. Лобачевский, тўғри чиқиқдан ташқарида олинган нуқта орқали берилган тўғри чиқиққа унга параллел бўлган иккита тўғри чиқиқ берилган тўғри чиқиққа чап параллел ва ўнг параллел тўғри чиқиқлар ўтказиш мумкин деб тасдиқлашга ҳақлимиз, деб фараз қилди. Бу аксиомаси билан у Евклиднинг бешинчи постулатини алмаштирди ва бу аксиомалар

гаралангандир, чунки бу ерда ҳеч қайси бурчак тўғри бурчақдан катта бўла олмайди. Демак, Вейерштрасс аломатига кўра бу тўпламларнинг ҳар бири лимитга эга. Бу лимитларни α ва β орқали белгилаймиз. α ва β бурчакларни лимит бурчаклар деб аташ қабул қилинган. Уларга бурчакларнинг иккинчи томонлари АВ ва АСларнинг вазияти мос келади (биринчи томон — AD). Бу АВ ва АС тўғри чиқиқлар лимит тўғри чиқиқлар дейилади. Лимит тўғри чиқиқлар бўлар эдик, бундай бўлиши мумкин эмас. АВ ва АС лимит тўғри чиқиқлар а га параллел ва А нуқтадан ўтадиган ўнг ва мос ҳолда чап тўғри чиқиқлар дейилади. Бу тўғри чиқиқларнинг устма-уст тушиши кераклиги ҳеч қардан келиб чиқмайди.

Mashhurlar hayotidan

ёйлари бўлади. Улар орасидаги бурчак ёйлар кесишган нуқтада ўтказилган уринмалар орасидаги бурчақдан иборат бўлади. Катта доиралар ёйлари ҳосил қилган ҳар қандай эгри чиқиқли учбурчак бурчакларнинг йиғиндис 180° дан катта бўлиши тушунарлидир. Равшанки, бир диаметрининг учларида ётмаган икки нуқта орқали фақат битта катта доира ўтказиш мумкин. Демак, икки нуқтаорасидаги масофа бу ерда ҳам ягонадир.

Агар текисликда трактриса —

x = ± (aln (a + √(a² - y²) - √(a² - y²)) / y)



тенглама билан аниқланадиган чиқиқни чизмаск ва уни Ох ўқ атрофида айлантисак псевдосфера деб аталувчи сиртни ҳосил қиламиз. Псевдосферадаги геометрия Лобачевский геометриясидир. Хусусан, псевдосферада учбурчак бурчакларининг йиғиндис 180° дан кичик. Учбурчакнинг ўлчамлари ортиши билан унинг бурчаклари йиғиндис камайди, бурчаклари йиғиндис ортиши билан унинг томонлари кичиклашади. Учбурчак томонлари чексиз камайганда унинг бурчаклари йиғиндис 180° га интилади. Псевдосферада Лобачевский геометриясининг барча формуллари тўғридир. Лимит тўғри чиқиқни AD перпендикуляр атрофида айлантаришдан ҳосил бўлган сиртда Евклид геометрияси ўринлидир, бунда фақат тўғри чиқиқларни лимит сиртда геодезик сиртлар бўладиган лимит чиқиқлар билан алмаштириш керак.

Агар улар устма-уст

МАТЕМАТИК ОЛИМ

Лобачевский 18 ёшида фан номзоди илмий даражасини олиб ҳам ўтирмай бирданга аъло даражадаги магистр унвонига сазовор бўлди ва университетда фаолият юрита бошлади. 1814 йили у соф математика адъюнкти этиб тасдиқланди. 1815 йили 23 ёшида унга профессор унвони берилди. Лобачевский математика, астрономия, физикадан маърузалар ўқирди. У ажойиб нотик эди. 1827 йилдан 1846 йилгача Қозон университетининг ректори, 1846 йилдан бошлаб эса Қозон ўқув округи нозирининг ўринбосари бўлиб ишлади.


системаси асосида ўз геометриясини яратди. У ўта қатъий бўлиб чиқди ва кейинчалик ўзининг амалий ва илмий тасдиғини топди.

Лобачевский ўз кашфиёти ҳақида биринчи марта 1826 йили Қозон университетининг физика-математика бўлими уюшмаси мажлисида маъруза қилди. 1829 йилда эса уни нашр эттирди. Шунинг айтиш керакки, Лобачевскийнинг кашфиёти бир қатор янгиликлар, жумладан, яна бир геометрия — Риман геометриясининг яратилишига сабабчи бўлди.

Н.Лобачевскийнинг илмий фаолияти. Ноевклид геометриясининг кашф этилиши. 2200 йилдан кўпроқ вақт давомида дунёда ягона геометрия — Евклид геометрияси ўрганиб келинади. Евклид геометриясининг асосини аксиомалар, яъни исботсиз қабул қилинадиган бирламчи ҳақиқатлар ташкил этади. Қолган барча тасдиқлар — теоремалар ана шу аксиомалар ва олдинроқ исбот қилинган теоремалар асосида исбот қилинади.

Бу геометрияда параллел тўғри чиқиқлар умуман йўқ ва инсталган учбурчакнинг бурчаклари йиғиндис 180° дан катта. Бироқ Лобачевскийнинг кўпгина замондошлари ўз даврида унинг кашфиётини тушулмади. Бу кашфиётни англаб етган олимлар К.Гаусс ва Я.Больяи эди. Гаусс Лобачевскийдан беҳабар ҳолда худди шундай тўхтамга келган, бироқ замондошларининг танқидларидан қўчиб бу ишларини чоп эттирмаган. Я. Больяи эса ўз кашфиётини Лобачевскийдан биров кейин эълон қилганди, бироқ ишнинг баёни жуда қисқа эди.

тушади деб фараз қилинса, Евклид геометриясини ҳосил қиламиз; агар улар устма-уст тушмайди, деб фараз қилинса, Лобачевский геометриясини ҳосил қиламиз.



Иккала геометрия ҳам бир хилда тўғри ва зиддиятсиз. Лобачевский геометриясида лимит бурчаклар А нуқтадаги а тўғри чиқиққа нисбатан параллеллик бурчаклари дейилади. Лобачевский AD кесманнинг узунлиги ортиши билан параллеллик бурчаги кичрайишини кўрсатди. Лобачевский геометриясида учбурчак бурчакларининг йиғиндис 180° дан кичик. Шу билан бирга учбурчак томонларининг узунликлари ортиши билан у кичиклаша боради. Лобачевский геометриясида ўхшаш фигуралар йўқ. Агар бир учбурчакнинг бурчаклари бошқа учбурчакнинг бурчакларига тенг бўлса, бундай учбурчаклар тенг бўлади. Фигураларнинг кичик ўлчамларида параллеллик бурчаги амалда тўғри бурчақдан фарк қилмайди, учбурчак бурчакларининг йиғиндис эса 180° дан кам фарк қилади. Бу ҳолда Лобачевский геометриясининг барча теоремалари ва формуллари Евклид геометриясининг теорема ва формуллари билан бир хил бўлади. Лобачевский геометриясида учбурчакнинг бурчаклари учбурчакнинг томонлари узунликларини бир қийматли аниқлайди.

Олимларни ҳамма вақт бешинчи постулат — «тўғри чиқиқдан ташқарида олинган нуқтадан берилган тўғри чиқиққа параллел тўғри чиқиқ ўтказиш мумкин ва фақат битта» аксиомаси шубҳага солиб келар эди. Евклид уни бошқачароқ, мураккаброқ ифодалайди. Бироқ, унинг ҳозирги замон талқини ва Евклидча талқини илмий жиҳатдан тенг кучлидир. Евклид бундай дейди: «Агар иккита тўғри чиқиқда ётувчи тўғри чиқиқ ички ва икки тўғри бурчақдан кичик бир томонламали бурчаклар ташкил этса, у ҳолда давом эттирилган бу икки тўғри чиқиқ, бурчакларнинг йиғиндис икки тўғри бурчақдан кичик бўлган томонда чексизликда учрашади».

Олимлар Лобачевский кашфиётининг буюклигини сезганликларидан ҳеч ким унга очик қарши чиқишга журъат эта олмади. Эътиборлиси, Лобачевскийнинг аксиомаси асосий математик тасдиқларга зид эмас эди. Унда зиддиятнинг йўқлиги математик тушунчалар асосида, кетма-кетликнинг лимити тушунчаси орқали тушунтирилиши мумкин.

Математикада фақат текисликда геометрия эмас, балки турли эгри чиқиқли сиртлар, сфера, параболоид, гиперболоид ва бошқалардаги геометрия ҳам мўҳимдир. Агар текисликда энг қисқа масофа ораларидаги масофа изланаётган иккита нуқтани туташтирувчи тўғри чиқиқ кесмаси бўлса, эгри чиқиқли сиртда эса кўп ҳолларда икки нуқтани бу сиртда ётувчи тўғри чиқиқ кесмаси билан туташтириб бўлмайди. Эгри чиқиқли сиртда иккита нуқта орасидаги энг қисқа масофа геодезик чиқиқ, яъни бу иккита нуқта орасидаги энг қисқа масофани берувчи чиқиқ кесмаси билан ўлчанади. Масалан, сферада иккита нуқта орасидаги энг қисқа масофани берувчи чиқиқлар бу нуқталардан ўтувчи катта доираларнинг

Бу аксиоманиннг ифодаланиши кўпроқ теоремага ўхшаб кетадигандек туюлар эди. Лекин уни исбот қилишга уринишлар бу аксиомани унга тенг кучли бошқа аксиома билан алмаштиришга олиб келаверарди. Тўғри, бу уринишлар кўпинча геометриянинг турли соҳалари ривожланишига туртки бўлиб хизмат ҳам қиларди. Николай Лобачевский бешинчи постулатни фақат Евклиднинг қолган аксиомалари ва улардан ке-

ХАСТАЛИККА ҚАРШИ «МОЛЕКУЛЯР КИСҚИЧ»

Лос-Анжелес(АҚШ)даги Калифорния университети неврология профессори Жефф Бронштейн раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар ўзига хос бирикмани яратдиши.

Бу бирикма «молекуляр қисқич» вазифасини бажариб, маълум жойларда асаб толасидаги альфа-синуклеин оксилларини тутиб қолади ва уларнинг бири-бири билан бириктишига йўл қўймайди. Бу эса, ўз навбатида, Паркинсон хасталигининг ривожланиши олдини олади, дейилади «Мэдикал Экспресс» («MedicalXpress») манбасида.

Таъкидланишича, мазкур касаллик пайтида марказий асаб тизими нейронлари нобуд бўлади. Альфа-синуклеин хасталикни ривожлантирувчи омиллардан ҳисобланади, чунки жараёнда оксилнинг тузилиши бузилиб, бетартиб ҳолга келади. Калифорниялик олимлар яратган «молекуляр қисқич» эса альфа-синуклеин бирикмалари ҳосил бўлишининг олдини олиш билан бирга, ушбу оксилнинг зарарини ҳам пасайтиради. Айни пайтда у бош мианинг нормал ишлашига таъсир кўрсатмайди.

6 ЙИЛЛИК САМАРА

ОИТС ва сил касалликларига қарши курашувчи дунё соғлиқни сақлаш ташкилотларининг ҳамкорлигидаги савий-ҳаракатлари туфайли 2004—2010 йиллар

оралигида 910 минг нафар инсон ҳаётини сақлаб қолишга эришилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг шу кунларда эълон қилган ҳисоботида бу ҳақида маълум қилинди, деб хабар берди «Лента» манбаси.




икки турдаги инфекция профилактикаси ва уни даволашнинг миллий дастурлари учун янги халқаро стандартларни ишлаб чиқди.

НАНОЕЛИМ ЯРАТИЛДИ

Океанортлик муҳандислар янги авлод микрочипларини ишлаб чиқишда қўл келадиган наноелим яратишди. У шу даражада мустаҳкамки, елим қаватини кўчириб олгандан кўра чип материални синдириш осонроқ кечар экан. Янгилик ҳақида «Компьюлента» манбасида маълум қилинди.

Одатий елимлар иккита юза орасида қалин қатламни ҳосил қилади. Наноелим эса иссиқлик ўтказади, айни пайтда пуркаш усули билан юза устига ётқизи-либ, бир неча молекула қалинлигидаги қатламни ҳосил қилади. Наноелим шаффоф эгилувчан модда — полидиметилсилоксан асосида яратилган. Аввалига тадқиқотчилар ушбу модда юза устига сурилиб,

сўнгра олинганида ўзидан кейин ўта юпқа қатлам қолдиришини сезишган. Сўнгра бундан фойдаланган ҳолда кўшимча равишда модда кислот билан ишланиб, елим сифатида қўлланилган. Ишлаб чиқарувчилар фикрича, наноелим янги турдаги қўп қаватли микрочипларни яратишда айнақса қўл келади.



Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



Буюк Британияда харажатларни камайтириш ва 159 миллион фунт стерлинг тежаб қолишга қаратилган, 1,4 миллиард маблағ ахратилган дастур ўз самарасини бермай, аксинча, қутилгандан ҳам 9 баробар кўпроқ маблағ сарфланишига олиб келди.

Европа Иттифоқи ва Халқаро валюта фондидаги молиявий кўмак олиб, қаттиқ иқтисод қилиш йўлини тутган Грецияда 2011 йилнинг декабрь ойида ишсизлик ҳолати ўрганилгач, мазкур рақам 21 фоизни ташкил этган ҳолда рекорд кўрсаткичга етгани маълум бўлди.

Канададан АҚШнинг Теннесси штатидаги «Keystone XL» заводини уланиши ва узунлиги 2, 735 миң километр бўлиши кўзда тутилган нефть қуварларини тортиб ўтиш лойиҳаси етарлича (60та) овоз тўпловмай, мамлакат Конгресси томонидан тўхатиб қўйилди.

Россиянинг Пермь ўлкасидаги аҳоли турар жойида номаълум сабабларга кўра чиққан ёнги сабабли 9 нафар инсон (улардан 7 нафари болалар) газ билан зарарланиб ҳаётдан кўз юмган.

ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

Тендер номи: 2012 йилда умумтаълим мактаблари учун синф журналларини харид этиш.

Тендер №: ХТВ- 2012

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 456-сонли қарори талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2012 йилда умумтаълим мактаблари учун қуйида номлари келтирилган синф журналларини тендер савдоларини ўтказиш орқали харид этади:

№	Мақтаб ўқув ҳужжатларининг номи	Адади	Бошланғич (максимал) қиймати
1	I—IV-синф журнали	82 278	3 130,00
	V—IX-синф журнали	105 751	4 450,00

Тендер синф журналлари ва бошқа мақтаб ҳужжатларини сифатли ва арзон ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган юридик шахслар, жумладан, кичик бизнес субъектлари мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхоналар иштирокида очик кўринишда ўтказилади.

Тендер бошлангунга қадар тендер комиссияси ёки тендер комиссиясининг ишчи гуруҳи томонидан тендерда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар малакали танловдан ўтказилади. Шунинг учун талабгорлар тендер комиссиясининг ишчи гуруҳига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

- талабгорнинг банкротлик ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси томонидан берилган маълумотнома;
- талабгорнинг қайта ташкил этиш ёки тугатилиш ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи давлат рўйхатга олиш идорасидан маълумотнома;
- тендер савдоси талабгорнинг юридик шахс эканлиги тўғрисида давлат рўйхатга олиш идоралари томонидан берилган (ишлаб чиқаришда фаоллаш турига эга бўлган) гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган кўчирма нусхаси;
- талабгорнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган давлат солиқ инспекцияси маълумотномасининг асл нусхаси;
- эълон берилган даврда тендер талабгорининг картотекаси бўйича (К-2) асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамда қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида банкнинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган маълумотномасининг асл нусхаси;
- нашр этиш учун мўлжалланган қийматнинг камида 5 фоизи миқдоридан бўш айланма маблағларининг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолати оригинал нусхаси.

Куйидаги юридик шахслар тендерда иштирок этиш учун қўйилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик арасида турган;
 - малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
 - илгари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;
 - тендер эълон қилингунга қадар таъсис этилганига 6 ой бўлмаган;
 - бюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;
 - пакетлар (маҳсулотлар) бўйича ўз ишлаб чиқариш корхонасига эга бўлмаган;
 - тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича тендер комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар ва фирмалар.
- Малакали танловни ўтказиш тендер тақлифларини қабул қилишнинг охириги санасидан бошлаб 5 кун муддат ичида амалга оширилади.
- Тендер комиссиясининг кўрсатмаси асосида ишчи гуруҳи ишлаб чиқариш жойлари, технологик ускуналарнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш қуввати, хомашё ва материалларнинг захиралари ва бошқаларни шахсан ўрганиш ҳуқуқига эга.

Талабгорлар 2012 йил 12 мартдан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларининг янги авлодини яратиш бўлимидан қўшимча маълумотлар олишлари мумкин. Маълумотларни олиш учун талабгорлар тендер тақлифлари топширишининг охириги кунига қадар ҳар кун (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00 дан 17:00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларининг янги авлодини яратиш бўлими. Манзил: 100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, 3-қават, 319-хона. Телефон: (+99871) 239-14-01, 239-40-83, Факс: (+99871) 239-40-81.

Халқ таълими вазирлигининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 500 000 (беш юз миң) сўм миқдоридида қайтарилмайдиган тўлов пул ўтказиш йўли билан ўтказилгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан Тендер ҳужжатлари олинади: Махсус ҳисоб рақами № 20 203 000 100 101 044 002, АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Меҳнат филиали, МФО 00 423, ИНН 201 122 808.

Тендер тақлифи умумий қийматининг 3 фоиздан кам бўлмаган миқдоридида закалат билан тақлиф қафолатланиши шарт. Закалат суммаси хар бир маҳсулот учун алоҳида тўлов топшириқномасида кўрсатилган ҳолда Халқ таълими вазирлигининг юқоридаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилиши керак.

Тендер тақлифлари 2012 йил 12 апрель соат 11:00 га қадар ишчи гуруҳ манзилига топширилиши керак. Тендер тақлифлари 2011 йил 13 апрель кун соат 15:00 да юқорида келтирилган манзилда барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

...Санаёткор сахнани табаррук билиб, у томон элтажак зиналарда истеъдодни чархлаб, тоблаб босиб ўтмас экан, ниятларининг ушалиши жуда кийин.

Мен бугун ортимга қарасам, дутор чертиш ҳавасида ширин хаёллар сургун сочлари жамалак қизалоқ, гоҳ китобини varaқлаб, гоҳ дуторнинг торларини силай-силай улғайган дилбандга айланиб хотираларим билан сўзлашавераман. Ва юрак-юрагимдан ҳис этаманки, мен дуторга тоза бир меҳр, муҳаббат бериб яшадим. Бу соф туйғу эса мени элга ардоқли қилди, давраларда эъозлади, кўлдан-кўп қувончи кунлар ҳадыя этиб умрининг зарваракларини безадди. Шулар ҳақида ўйлаганимда беихтиёр кўз ўнгимдан устозларим, уларнинг менга кўрсатган бекийёс гамхўрликлари, ўз касбларини санъат даражасига кўтарган соз усталари ўтаверадим...

Худди кечагидек ёдимда. 1973 йили Фарғонадаги муסיқа билим юртининг халқ чоғу асбоблари бўлимини тугатиб, Ўзбекистон давлат консерваториясига ўқишга кирдим. Шу пайтда Шарқ муסיқаси факультетида дутор синфи эндигона очилганди. Мен Фарғонада аънаваный факультет бўлмаганлиги учун реконструкция қилинган дутор чалиниши ўргангандим. Реконструкция қилинган дутор нота йўлларини ўрганишга, штрихларни ўстиришга ёрдам беради. Гарчанд билим юртида кўп нарса ўрганган бўлсам-да, ўзим сезмаган ҳолда аънаваный дутор садосини излаганман. Чунки, ижро этган асарларимнинг аксарияти қайта ишланган, фортепиано билан чалиниши керак бўлган куйлар эди. Ана шу ҳозирлик билан реконструкция қилинган дуторда устозим, беназир созанда ва бастакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ажойиб мураббий Фахриддин Содиқов хузурида илқ бор «Рохат», «Ас бўлмаган» куйларини бор имкониятларини ишга солиб ижро этганимда у киши мийиғида кулганча «Яши, бу чалишлар ҳам керак бўлади...» деб кўйганди. Шундай деди-да, аънаваный дуторни кўларига олиб обдон созлаб ўзбек халқ куйларидан бирини шундай бир дард, нола, майинлик билан ижро этдики, мен улуг санъаткор қаршиқисидиғи ижромидан хижиллик сеза бошладим дилимда... Устоз кўп ўтмай мени моҳир уста Усмон ота хузурига бошлаб бориб «Шу кўзимга битта дутор ясаб бермасангиз бўлмайди» дея махсус буюртма берди. Устозимнинг мана шу амалидаёқ мен катта

бағрикенглик, шогирдга бўлган ҳақиқий меҳрни кўрганман. Дутор олти ойда тайёр бўлди. Шунгача биз устозу шогирд у кишининг устахонасига бир неча бор катнаганмиз. Ҳар гал устоз устага деб тансиқ неъматлар харид қилиб борарди. Ўнлаб ноёб созлар

ДУТОРИМ — ДИЛТОРИМ МЕНИНГ

ясаган устанинг диди қанчалик нозик бўлмасин, эл севган созанданинг инжиқликларини оғринмай кўтарар, ўз иши устида қайта ишлашдан эринмасди.

Нихоят мен 36 йилдан буён бағримга босиб эъозлаб кўтариб юрган созни кўлимга олдим. Бу менга устозимни хар лаҳзада ёлға солиб турувчи бебахо меросидир! Усмон ота умрининг сўнги паллаларида созни алоҳида меҳр, эътибор билан ясагани ҳамон мени ҳайратга солиб келади. Бу соз умрим давомиди менга ҳамроҳ, дилимдагини хуш наволарга улаб тингловчиға узатган торим бўлди. У мени катта-катта давраларга олиб чиқди. Олис-яқин манзиллар томон бошлаб борди. Не-не санъаткорларнинг чиқишлариға жүр бўлдим. Уларнинг ёнларида юриб тахрибаларини ўргандим, сабоқларини ҳижжалаб ўқидим.

Консерваторияни муваффақиятли тугатиб, Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ан-

самблди ишланган кезларим мен учун катта мактаб вази-фасини ўтади, десам муболага бўлмас. Ансамблда таниқли ҳофизларнинг ижролариға севимли созим билан жүр бўлдим. Ўзбек халқ куйлари, жумладан, «Шахмақом»дек муסיқий меросимизнинг радушасмаларга муҳрланган дуторимнинг хонишлари ҳам борлиғидан ички бир ифтихор ҳисларини туюман кўнглимда.

Санъат элларни эллар, дилларни диллар билан боғловчи ришта, юртларни юртларға та-ниқувчи кўзгудир. Мен бунга Бельгия, Франция, Норвегия, Германия, Портуғалия, Италия, Испания сингари қатор хорижий мамлакатларға қилган сафарларимда қайта-қайта амин бўлганман. Фарғонанинг олис Октепа кишлоғида улғайган

накамига катта ташвишимга айланди. Минг бир ўй билан

билим юртида ўқиб юрган кезларим реконструкция қилинган дуторимни ясаб берган Наби аканиннг хузуриға бордим. У кишиға сознинг барча камчиликларини битталаб тушутирдим-да, ички бир ҳадиқ билан ортга қайтдим. Уста бир ҳафтадан кейин менга «Дутор тайёр бўлди» дея хабар берди. Шу кунлари Швейцарияға хизмат сафарига кетиш тарадудида юрган эдим. Хурсандлигимдан Наби аканиннг хузуриға қандай этиб борганимни билмайман. Лекин не кўз билан кўрайки, дуторим ўша, лекин ундан тараладиган овоз бегона, унда на дард, на нола бор эди. Бу ҳолатни кўриб кўз ёшларимни тия олмай қолдим.

Kashim — saodatim

сонгина тушуна олса керак. Уста отаси ишланган дуторнинг декасини яна ўз ўрниға қўйибди. Созни кўлимга олиб чертишим билан ўша мениннг қулогимга, юрагимга сингиб қолган овоздан бутун борлигим яшнаб кетди. Гўёки дилбандини йўқотиб қўйиб уни излай-излай топган онадек Оллоҳнинг мўъжизасига шукроналар айтар, миннатдорлигимни изхор этишга сўз тополмасдим. Шунда дуторимнинг наволари дил торим билан уй-ғунлашиб, жону таним билан чирашиб кетганини, мен энди бу нола, бу дардларсиз ашай олмаслигимни тани олдим...

Дуторимнинг яна бир хосияти борки, унга улуг устозларнинг меҳри, назари тушган бўлса, иқтидорли шогирдларим уни кўларига олиб катта муваффақиятларға эришмоқда. Улар орасида турли танловларнинг лауреатлари, «Ниҳол» мукофотининг соҳиблари бор. Ўзбекистон давлат консерваториясида дутор мутахассислиги бўйича дарс берарканман, шогирдларимға ҳам аввало созни азиз ва муқаддас санамоқни, унга чин юракдан меҳр бермоқни ўргатишға ҳаракат қиламан. Негаки, дутор ўзбекининг азалий ва абадий чоғу созидир. У шунчаки бир нарса эмас. У билан сўзлашмоқ, сирлашмоқ керак. У халқимизнинг қувончу ташвишларини, орзу-умидларини майингина, дардли садолари билан авлодлардан авлодларнинг юракларига етказди.

Дутор ўзбекининг хар уйиға, хар гўшасига ярашади. У чалинган давраларда одобу адабининг дарслари ўқилади. У Ватанини жондаин севишға ўргатади болаларимизни. Дуторнинг наволарида ўзбек кўларининг ибоду хаёлири мужасман. Дуторнинг садоларида ўғлонларимизни мардликка, миллатпарварликка ундовчи оҳанглар жам... Ўзбекистоннинг бекийёс хунсу таровати, кучу қудрати, буюк келажагининг тараннуми бор унинг наволарида!

Малика ЗИЁЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Ривоятда келтирилишича, хоразмшоҳлар даврида муסיқа асбобларини ясайдиган ва моҳирона чаладиган бир уста бўлган экан. Бир кунни мамлакат маликаси оғир дардга чалинибди. Унга шу даврнинг энг зўр табиблари ҳам даво топа олмабдилар. Шоҳ қизини дарддан халос қилишда ёрдам сўраб бутун халққа жар қақиртирибди. Шунда ўша созгар малика учун муסיқа асбоби ясаган экан. Уста унга товус кўри-

МИЛЛИЙ МУСИҚАМИЗ ДОВРУҒИ ДУНЁ БЎЙЛАБ ТАРАЛМОҚДА

Faxr

нишини берибди. Создан шундай сеҳли куй таралибдики, уни тинглаган малика тез фурсатда тузалиб кетибди. Маликаниннг дардига шифо берган чоғу асбоби — афғон рубоби эди!



пов афғон рубобини чалиш сирларини муқамал ўрганишға бел боғланган иқтидорли ўқувчилардан. Абдуазим 1993 йили Тошкент шаҳрида туғилган, 2005 йили лицейнинг ўзбек халқ чоғуларни бўлимиға қабул қилинган.

— Афғон рубоби менга жуда сирлидек туолган, — деб гал бошлади Абдуазим, нега айнан шу асбобни танлагани ҳақида сўзларкан. — Ўқитувчимиз бу чоғу асбобининг келиб чиқиши, унинг одамларға қандай ёрдам бергани тўғрисида ҳикоя қилиб, ёқимли куйларни чалиб берди. Ундан шундай ажойиб куй таралдики, қалбимда «Наҳотки, мен ҳам шундай гўзал куйларни чала олсам», деган қандайдир туйғулар жонланди ва шу кундан

бошлаб афғон рубоби доимий ҳамроҳимға айланди.

Миллий чоғу асбобидан фахрланиб, унинг доврўғини бутун дунёға ёйиш ва ўз халқининг куйлари билан инсонларға завқ-шағқ улашиши хар бир созанданиннг эзуға мақсадиридир. Абдуазим Маннопов ана шу мақсади йўлидаги илк дадил қадамларини қўйди: Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган «Европаға нигоҳ» («Окно в Европу») VI халқаро кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб, 3-ўринни олиб қайтди. Таассуротлари хусусида Абдуазим гурурулибди, шундай деди:

— Танловда 12 мамлакатдан келган ёш созандалар катнашди. 2 тур бўйича ўч миллий, икки хориж муסיқасини ижро этдим. Томошабилан бизнинг ижромизни жуда яхши кутиб олишди.

Қаҳрамонимиз шу танловда афғон рубоби йўналиши бўйича Ўзбекистондан иштирок этган иккинчи ўқувчи ҳисобланади. Унинг энг катта орзуси — миллий чоғу асбоби ва мумтоз муסיқамизни бутун дунёға танитишдир.

Абдуазимнинг иқодий парвозларида муваффақият тилаймиз.

Сохиба МУЛЛАЕВА, «Ma'rifat» муҳбири

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАРФИБОТИ

УНДА ЖУРНАЛИСТЛАР ИШТИРОКИ ҚАНДАЙ?

Пойтахтнинг «Shodlik Palace» меҳмонхонаси анжуманлар залида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Баркамол авлодни тарбиялашда амалга ошириладиган ислохотларни жамоатчиликка етказишда ОАВнинг роли ва вазибалари» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Семинарда республикаамиз марказий нашрларида фаолият кўрсатаётган журналистлар иштирок этди.

Иштирокчилар томонидан Президентимиз ташаббуси билан болалар спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор ва ғам-хўрлик, 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармон ёшлар ўртасида спортни омалаштириш омили бўлаётганлиги, бу борада ноб тизимга асос солинганлиги эътироф этилди. Махсус жамғарма тузилганидан буён 1400 дан зиёд замонавий болалар спорти

объекти барпо этилганлиги, биргина 2011 йилда 214та объект, жумладан, 130 та спорт иншооти, 19та сузиш ҳавзаси ва 65та болалар мусика ва санъат мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги катта ютуқдир.

Семинар ишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ф.Солиев «Баркамол авлодни тарбиялаш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири» мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати, Ўзбекистон нодавлат но-тижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Респуб-

ликаси Соғ-ликни сақлаш вазирлиги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бошқармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мутахассислари ҳам қизиқarli маърузалари билан иштирок этди.

Семинар қатнашчилари баркамол авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва бу борада бажариладиган ислохотларни профессионал даражада ёритиш бугунги кун журналистидан юксак маҳорат талаб қилишини таъкидлаб ўтиш билан бирга дунё ахборот соҳаси уюқларини чуқур ўрганиш, маҳаллий журналистларнинг етакчи хорижий нашрларда малака ошириш тизимини йўлга қўйиш юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

**Шарифа МАДРАҲИМОВА,
"Ma'rifat" муҳбири**



БИР ЙЎЛА ИККИ СОВРИН

Мексикада ниҳоясига етган теннис бўйича Хотин-қизлар теннис ассоциацияси (WTA) туркумига киритилган халқаро турнирнинг яқкалик матчида италиялик Сара Эррани ажойиб ғалабани қўлга киритди.

Мусобаҳани 3-рақам билан бошлаган Эррани ҳал қилувчи баҳсда ватақдоши Флавио Пеннеттага қарши қоратта чиқиб уни Ҷ сет натижасига қўра, 5:7, 7:6 (2), 6:0 ҳисобда мағlubиятга учратди.



Шунингдек, Эррани ҳамюрти Роберта Винчи билан ҳамкорликда испаниялик теннисчилар жуфтчилигини ҳосил қилган Аранта Парра-Сантонья ҳамда Лурдес Домингес-Линони (6:2, 6:1) енгиб, бир йўла иккита бош совринга эришди.

С.Эррани фаолияти мобайнида ўзи қатнашган яқкалик баҳсларидаги учинчи совринга эришди.

СОБИҚ ЧЕМПИОН 3-ЎРИНДА

Белорус пойтахтида фигурали учуш бўйича ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида россиялик спортчи Юлия Липницкая биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Унинг мусобақа доирасидаги энг сўнгги босқич учун тайёрлаган чиққиш бирорта ҳам хатolikсиз ижро этилди ва яқунда жами 187,05 балл жамғариб, олтин медалга сазовор бўлди.

Иккинчи ўрин америкалик спортчи Грейси Голдга насиб этди. Унинг ҳисобида жами 171,85 балл бор.

Утган йилги мусобақада биринчи ўринни эгаллаган яна бир россиялик спортчи Александра Уряшева эса бу сафар учинчи ўрин билан қифюланди. Собик жаҳон чемпиони 168,45 балл жамғарди.



БАЙРАМГА МОС МУКОФОТ

Австралиялик спортчи аёл Шелли Ничке халқаро хотин-қизлар кувни муносабати билан тақдир этилувчи аънаъуви Belinda Clark Award мукофотига лойик деб топилди.

Ушбу юксак соврин профессионал спортчилик фаолиятини юксак натижа билан яқундан ва ҳозир ҳам спортга бўлган иштиёқини сўндирмай келадиган хотин-қизларга берилади.

34 ёшли Шелли Ничке 2011 йили Англияда ўтказилган «турбурачки» крикет муносабалари серияси баҳсларининг биринчи финал учрашувида иштирок этгандан сўнг ўз фаолиятини яқундан янги босқичга олиб чиқаришга қарар қилди.

Ўз вақтида дунёнинг биринчи рақамли крикетчи аёли номига бир неча марта сазовор бўлган Шелли профессионал спортчилик фаолиятида 2005 йили Жаҳон кубогини, 2010 йили Twenty20 мусобақасида чемпионликни қўлга кiritган.

Ш.НАРЗУЛЛЕВА тайёрлади.

Муҳтарам Махфуза ГАФФОРОВА!

Сизни таваллуд айёмингиз билан самимий муборакбод этамиз. Болаларнинг мурғак қалбига Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат-эътибор туйғуларини шакллантиришдаги сермашаққат ишларингизда янада улкан зафарлар тилаймиз. Оилангиз ва шоғирдларингиз бахтига доимо соғомон бўлинг.

Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги
36-ёрдамчи мактаб
ўқитувчилари жамоаси



ТАРТИБ — ҒАЛАБАГА АСОС

Муваффақият билан фаолият юритиладиган Чирчиқ олимпия захиралари коллежи замонавий шарт-шароитларга эга. У таълим муассасаси сифатида 1978 йили 104 спортчи-ўқувчи билан иш бошлаган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги қарорига асосан, таълим муассасаси макрои ўзгартрилиб, Чирчиқ олимпия захиралари коллежи деб юритила бошлади.

2004-2005 ўқув йилида коллеж қайта реконструкция қилиниб, 12000 ўринли стадион, 2500 томошабинни қабул қила оладиган енгил атлетика манежи, ёниқ ва очиқ сув ҳавзаси, 300 ўринли ўқувчилар турар жойи, 450 ўринли ўқув биноси, 250 ўринли ошхона, 43470 донна китобга эга ахборот-ресурс маркази, 40 ўринли қироатхона, фаоллар зали, иккита лингафон, иккита информатика хонаси ўқувчиларга хизмат қилмоқда.

Коллежда 18 спорт тури: дзюдо, кураш, бокс, эшкак эшиш, оғир атлетика, енгил атлетика, велоспорт, баскетбол, турон яққақураш, сузиш, футбол, волейбол, теннис, эркин кураш, таэквондо, шахмат, гандбол, бадий гимнастика бўйича 674 нафар ёш спортчи таҳсил олмақда. Уларга 24 нафар ўқитувчи (2 нафари олий тоифали, 5 нафари етакчи, 7 нафари катта тоифали ва 10 нафари олий маълумотли ўқитувчилар) ҳамда 70 нафар мураббий (шунлардан 18 нафари олий тоифадаги, 26 нафари иккинчи тоифадаги, 28 нафари биринчи тоифадаги, 7 нафари халқаро тоифадаги му-

раббий, 2 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий) билим ва спорт кўникмаларини бермоқда.

Таълим муассасасимизга 7-синфдан бошлаб ўқувчи ёшларни икки босқичли имтиҳон: ўзи танлаган спорт йўналиши ва умумий жисмоний тайёргарлик бўйича қабул қиламиз, — деди коллеж директори ўринбосари Маъмура Ҳожиева. — Ўқишга республикаамизнинг турли ҳудудларидан ёшлар келади. Тонги соат 6:00да эрталабки сафланмиш ва бадантарбия машғулотлари ўтказилади. 7:00да нуношта. 8:00да эса дарслар ва машғулотлар бошланади.

Коллежининг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда спорт турлари бўйича федерациялар билан ҳамкорликда иктидорли спортчиларни терма жамоалар таркибига киритиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Олиб борилган ишлар натижасида коллежининг 150 нафар битирувчиларидан 34 (22,7 фоиз) нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирган, 110 (73,3 фоиз) нафари ишга жойлашган, 17 (11,3 фоиз)

нафари терма жамоалар таркибига бўлиб, уларнинг ҳам бандлиги таъминланган. Шунингдек, қолган 4 (3 фоиз) нафарининг бандлигини таъминлаш бўйича Чирчиқ шаҳар ҳокимияти, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими билан ҳамкорликда махсус меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, кунилик мониторинг ишлари олиб борилмақда.

Дарвоқе, кийиниш тартиби коллеж уставида белгиланганидек: йигитларга оқ қўйлак ва қора шим, туфли ва бўйинбоғ; қизларга ҳам оқ кофта, қора юбка кийиш жорий қилинган. Ўқув муассасасига киришиниз билан бунинг гувоҳи бўласиз.

Устоз-мураббийларнинг эзгу савъ-харакатлари, машаққатли меҳнати ўз махсулини берапти. Ҳар йили Чирчиқ олимпия захиралари коллежи республикадаги 13та шу турдаги коллежлар ичидан дзюдо, кураш, оғир атлетика, велоспорт, эшкак эшиш, таэквондо бўйича пешқадамликни қўлга киритади. Чунончи, коллеж битирувчилари — дзюдо бўйича Дилшод Чориев, Наврўз Жўрақобиллов, эшкак эшиш бўйича Вадим Меньков, Юлиа Борзова «Лондон-2012» олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга кiritган.

Иш бор жойда, табиийки, камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Чирчиқ олимпия захиралари кол-

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?



Куала-Лумпур шаҳри (Малайзия)да футбол бўйича 2014 йилда Бразилия яшил майдонларида кечувчи жаҳон чемпионатининг сўнгги саралаш босқичига қўрға ташлаш маросими ўтказилди ва унда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг навбатдаги рақиблари маълум бўлди.

«А» гуруҳидан жой олган терма жамоамиз Жанубий Корея, Эрон,

Қатар ҳамда Ливан миллий терма жамоаларига қарши тўп суради.

Шунингдек, «В» гуруҳида: Австралия, Ирок, Иордания, Уммон ва Япония мамлакатлари футболчилари ўзаро мусобақага киришадилар.

Футболчиларимиз гуруҳдаги дастлабки матчи 1-тур доирасида шу йилнинг 3 июнида Эрон терма жамоасига қарши Тошкентда ўтказилади. Гуруҳдаги энг сўнгги учрашув эса 2013 йилнинг 18 июнида пойтахтимизда Қатар терма жамоасига қарши кечади.

**Ўзгўзал МАЛИКОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси**

ЁШЛАР ПАРВОЗГА ШАЙ

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан тўла қайта таъмирдан чиқарилиб, зарур спорт жиҳозлари ҳамда инвентарлар билан таъминланган Андижон вилоятидаги Иختисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби қисқа вақт ичида ўз нуфузига эга бўлди.

Мазкур мактабда спортнинг 12 тури: самбо, юнон-рум кураши, сузиш, таэквондо, эркин кураш, кураш, белбоғли кураш, турон яккакураши, оғир атлетика, бадий гимнастика, дзюдо ва волейбол бўйича секцияларга бугун 534 нафар (уларнинг 86 нафари қизлар) спортчи қатнашмоқда.

Қатъий тартиб асосида ташкил этилган спорт секциялари аъзолари 35 нафар мураббий (уларнинг 7 нафари аёл) кўмаги билан ўз маҳоратини ошириб, билим ва тажрибаларини бойитмоқда.


“Ёшлар” спорт саройи 5та спорт иншоотини ўз ичига олган бўлиб, улар: спорт ўйинлари зали, оғир атлетика зали, кураш зали, бадий гимнастика зали ва сув ҳавзасидан иборат.

Замонавий кўринишдаги мажмуада алоҳида ювенил, кийиниш хоналари ҳам мавжуд.

Спорт мактаби вакиллари-нинг аксарияти ўзлари танлаган спорт тури бўйича юртимиз терма жамоаси аъзоси бўлишса, қолганлари номзодlardir. Улар шу сабабли ўз устида тинимсиз меҳнат қилиб, юксак



Bolalar sporti



натижаларга эришишга интилишмоқда.

— Айни вақтда шогирдларимизнинг 49 нафари терма жамоалар аъзоси саналади, — деди мактаб директори Баҳодир Исмадуллаев. — Хусусан, самбо ва дзюдо бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, самбо бўйича жаҳон, дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпиони Дилдора Убайдуллаева, самбо бўйича жаҳон чемпиони Шахло Йўлдошева, эркин кураш бўйича жаҳон чемпионати совриндори Умид

Исманов ҳамда таэквондо бўйича Осиё чемпиони Рустам Пулатов каби иқтидорли спортчиларимиз айти дамда ёзда ўтказиладиган Олимпиада ўйинларига йўлланма олиш учун курашни давом эттиришмоқда.

Мамлакатимиз аҳолиси соғлигини мустақкамлаш, иродасини тоблаш, маънавий дунёсини бойитиш каби долзарб масалалар рўёби учун хизмат қилувчи спортнинг ривожланиши ва оммалашшига ўзининг улкан ҳиссасини қўшаётган “Ёшлар” спорт саройи жамоасига зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
“Ma'rifat” мухбири

Суратларда спорт секцияларидagi машгулотлар жараёни акс этган.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, “Учитель Узбекистана”), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, “Учитель Узбекистана”), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. f-318.
Tiraji 56133.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrib qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.
Nabatchi muharrir:
Qurbonboy MATQURBONOV.
Nabatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbas aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Ўша акунини — 20.25
Топшириди — 21.25